

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ: МАВЖУД ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Иброҳим Шуҳратовиҷ Файзиев

Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти ўқитувчиси
ibrohimfayzievshuhratovich@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада электрон ҳукумат, унинг шаклланиши ва қулайликлари, бугунги жадал интеграциялашув жараёнида халқаро ва Ўзбекистон тажрибаси таҳдил этилган. Миллий шароитда электрон ҳукуматни ривожлантириш истиқболлари баён этилган.

Калит сўзлар: ҳукумат, ахборот, давлат ҳизматлари, мобил иловалар.

E-GOVERNMENT IN UZBEKISTAN: CURRENT OPPORTUNITIES AND PROSPECTS

Ibrokhim Shukhratovich Fayziev

Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region
ibrohimfayzievshuhratovich@gmail.com

ABSTRACT

This article analyzes e-government, its formation and convenience, international and Uzbek experience in today's rapid integration process. Prospects for the development of e-government in the national context are outlined.

Keywords: government, information, public services, mobile applications.

КИРИШ

«Демократик ислоҳотлар сари йўл — биз учун яккаю ягона ва энг тўғри йўлдир»[1]. Аҳоли фаровонлигини янада ошириш, мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологияларини ривожлантириш мамлакатимиз сиёсатининг устувор вазифалари қаторига киради. Мазкур вазифанинг моҳияти, мақсади ва истиқболдаги ривожи 2013 йилнинг 27 июнида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорида ўз ифодасини топган. Унга мувофиқ, 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва

алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастури тасдиқланди. Жорий йилда ўз олдимизга қуйган улкан вазифалардан бири электрон ҳукуматни ривожлантириш масаласидир. Бу орқали ижтимоий турмуш муаммоларини тез бартараф этиш имкониятлари пайдо бўлади.

“Электрон ҳукумат” нима? У анаънавий ҳукумат фаолиятига нисбатан қайси қулайликлари билан афзал туради?

Электрон ҳукумат — барча ҳам „ички“, ҳам „ташқи“ алоқалар ва жараёнлар мажмуаси бўлиб, тегишли ахборот-коммуникация технологиялари билан қувватланиб ва таъминланиб турадиган ҳукумат[2]. Коммуникация тармоқлари орқали ахборотга ишлов бериш, уни узатиш ва тарқатишни электрон воситалари асосида давлат бошқарувини ташкил қилишни, давлат ҳокимияти органларини барча бўғинлари томонидан фуқароларнинг барча тоифаларига электрон воситалар билан хизматлар кўрсатиш, ўша воситалар ёрдамида аҳолига давлат органларининг фаолияти ҳақида ахборот бериш.

„Электрон ҳукумат“ тушунчаси XX аср 90-йиллари бошида пайдо бўлган, лекин амалиётга сўнгги йиллардан бошлаб татбиқ қилина бошланди. Электрон ҳукуматни ишлаб чиқиши билан биринчи галда АҚШ, Англия, Италия, Норвегия, Сингапур, Австралия ва айрим бошқа давлатлар (Франция, Германия, Қатар, БАА ва ҳ.к.) шуғулландилар[3].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистонда ҳам электрон ҳукумат барпо қилиш ишлари бошлаб юборилган. Жаҳон тажрибасига мавжуд амалиётга кўра, у икки ўзаро боғланган, лекин функционал жиҳатдан мустақил қисмлардан, *Ҳукумат Интранетидан ва ташқи инфратузилмадан таркиб топган*.

Ҳукумат Интранети (ички) - ахборот тизимининг ички инфратузилмаси бўлиб, у давлат тузилмалари томонидан давлат корпоратив вазифаларини амалга оширишдаги ўзаро муносабатларда фойдаланилади. Ташқи инфратузилма, давлатни фуқаролар ва юридик шахслар билан ўзаро ишлашини таъминлайдиган оммавий ахборот инфратузилмасини қамраб олади. Электрон ҳукумат фаолияти уч йўналишда:

- “Давлат — давлат” йўналишида идоралараро даражада давлат муассасалари ўртасида ахборот алмашиш самарадорлигини ҳамда жойларда режалаштириш ва бошқарувнинг сифатини юксалтиришга хизмат қиласи. Жамоатчилик фикрини мунтазам мониторинг этиб бориш ҳамда унга таъсир - кўрсатиш имконини беради.

- “Давлат — бизнес” йўналишида маъмурий тартиб-таомиллар автоматлаштирилади. Натижада бизнесни рўйхатга олиш, солиқ ҳамда статистика

хисоботларини, божхона декларацияларини топширишда тадбиркорларнинг вақти ва маблағи тежалади.

- “Давлат — фуқаро” йўналиши халқ билан мулоқот учун қўшимча механизмларни яратиш, аҳоли вақтини тежаш, давлат органлари фаолиятининг самарадорлиги, тезкорлиги ҳамда шаффоғлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, ижро интизомини янада мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сон Фармони асосида қабул қилинган **2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид** Давлат дастурининг 23-а бандига мувофиқ электрон ҳукуматни ривожлантириш борасида жорий йил учун бир қатор вазифалар, хусусан, ахборот технологиялари соҳасида инсон капиталини ривожлантириш, кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш; давлат хизматларини рақамли шаклга трансформация қилиш ва ахборот экотизимини ривожлантириш; давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш вазифалари белгиланган эди.

НАТИЖАЛАР

“Электрон ҳукумат”нинг самарали унсурлари сифатида, 20 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилди. Улар сирасида:

www.gov.uz Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали - аҳоли, бизнес вакиллари ва ташкилотларга ҳукумат ва давлат органларининг фаолияти бўйича малумотларга кириш имконияти шароитларини яхшилаш ҳамда аҳоли ва давлат ташкилотлари ўртасида ўзаро алоқадорлик самарадорлигини таъминлаш мақсадида яратилган.

Мобил Интернет фойдаланучиларини жалб этиш мақсадида Ҳукумат порталининг мобил версияси (my.gov.uz) ишлаб чиқилган. Ушу версияда аҳоли учун энг муҳим ва фойдали маълумотлар жамланган. Шу билан бирга, мамлакатимизда ўтаётган воқеалар тўғрисида аҳолига оператив тарзда маълумотларни тақдим этиш мақсадида Android, IOS ва Windows mobile платформаларида ҳукумат порталининг мобил иловалари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг функционал жараён ва тартибини қўллаб-қувватловчи, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг Электрон ҳамжиҳатлик инфратузилмаси тизимини ташкил этувчи қисм хисобланади.

<http://www.my.gov.uz> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги —Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг “Хукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 378-сон қарори ижроси сифатида, Ягона интерактив давлат хизматлари портали, (Ягона портал), яратилди ва 2013 йил 1 июлда Интернет тармоғида ишга туширилди. Мазкур ахборот ресурсининг мақсади – фойдаланувчилар, ва биринчи навбатда, тадбиркорлик субъектлари учун давлат хизматлари ҳақидаги маълумотларни олиш бўйича кенг имкониятларни яратиб бериш ҳамда — ”ягона дарча” тамоили асосида давлат хизматларини тақдим этишдан иборат. Ягона интерактив давлат хизматлари портали хизматларни Интернет тармоғи орқали тақдим этишни ўзида мужассамлаштиради, яъни, фойдаланувчи, республиканинг исталган нуқтасидан ва исталган вақтда, танлаган интерактив хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга. Кечагина, биз хукумат билан ўз жойимиздан турмасдан туриб мулоқот қилишни тасаввур ҳам қила олмас эдик, эндиликда эса, Ягона портал, яъни, Интернет тармоғидаги сайт орқали, фойдаланувчи шикоятлар, таклифлар ёки бошқа мурожаатларини онлайн тарзда жўнатиши мумкин. Бундан ташқари, Ягона интерактив давлат хизматлари портали хизматларни Интернет тармоғи орқали тақдим этишни ўзида мужассамлаштиради, яъни, фойдаланувчи, республиканинг исталган нуқтасидан ва исталган вақтда, танлаган интерактив хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга. Кечагина, биз хукумат билан ўз жойимиздан турмасдан туриб мулоқот қилишни тасаввур ҳам қила олмас эдик, эндиликда эса, Ягона портал, яъни, Интернет тармоғидаги сайт орқали, фойдаланувчи шикоятлар, таклифлар ёки бошқа мурожаатларини онлайн тарзда жўнатиши мумкин. Ҳозирги кунда Ягона портал қуйидаги имкониятларни тақдим этади:

- давлат органлари ва хизматлари ҳақидаги маълумотларни олиш;
- давлат хизматларини олиш учун лозим бўлган мурожаат ва бошқа ҳужжатларни электрон шаклда тўлдириш;
- давлат хизматини кўрсатиш учун мурожаат йўллаш;
- давлат хизматини кўрсатиш учун йўлланган мурожаатни кўриб чиқиши жараёни ҳақидаги маълумотларни олиш;
- давлат хизматлари натижаларини олиш;
- тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳ.к.

www.soliq.uz Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ кўмитасининг расмий сайти бўлиб, фуқароларга электрон хизмат кўрсатиш борасида кўплаб янгиликлар қилинган. Хусусан, фуқаро ўзининг STIR рақамини олиш; мол-

мулк бўйича қарздорлиги йўқлиги бўйича маълумотнома олиш; солик декларацияларини электрон, хусусий нотариуслар солиқларини юбориш; ижара шартномаларни ҳисобга қўйиш, резидентлик сертификатини олиш ва ҳқ.

Бундан ташқари яна кўплаб соҳаларда жисмоний ва юридик шахслар учун қулайликлар яратилиб келинмоқда.

МУХОКАМА

2015 йил 9 декабрда қабул қилинган “Электрон хукумат тўғрисида”ги қонун 5 боб 34 моддадан иборат бўлиб, унда электрон давлат хизматларига доир қуидаги талаблар белгиланган:

- қонун ҳужжатлари асосида ва ахборотни тўплаш, сақлаш, унга ишлов бериш, уни узатиш ҳамда алмашиш бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар асосида ташкил этилиши;
- электрон давлат хизматларининг тасдиқланган регламенти асосида кўрсатилиши;
- шахсга доир маълумотларга ишлов беришни назарда тутувчи хизматлардан ариза берувчиларнинг хавфсиз фойдаланишини таъминлаши;
- сўров юбориш ва электрон давлат хизматининг натижасини олиш имкониятини таъминлаши;
- тўлиқ, ишончли бўлган ва рухсатсиз фойдаланишдан химоя қилинган ахборотни ўз ичига олиши керак[4].

Бугунги кунда электрон хукумат ривожидаги асосий масала бу соҳадаги кадрлар ва кенг мижозлар қўнималарини ошириш ҳисобланади. Бу борада 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли “Жамиятда хукуқий онг ва хукуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент Фармони ва у асосида амалга оширилаётган тадбирлар мухим рол тутмоқда. Таълим муассасаларида ҳам техник таълимга кўпроқ аҳамият берилабдики, бундан кўзланган мақсад ўқувчи ёшлар инновацияларга тайёр ҳолда битирадилар.[5] Колаверса ёшларнинг хукуқий билимларини ошириш нафақат таълим муассасаларининг балки, фуқаролик жамияти барча институтларнинг вазифаси ҳисобланади.

“Электрон хукумати”ни жорий этишнинг якуний мақсади – интерактив хизматларни тақдим этиш имконларини янада яхшилашга қодир бўлган давлат бошқарувнинг мукаммал электрон аппаратини яратишdir.

Хозирги кунда давлат хизмати кўрсатувчи 80 та идорадан атиги 27 таси Давлат хизматлари агентлиги билан ўзаро интеграция қилинган, 53 идорада эса маълумотлар рақамлаштирилмаган. Мисол учун, соғлиқни сақлаш, экология,

қурилиш, архив билан боғлиқ давлат хизматлари соҳасида ҳалигача электрон маълумот базаси шаклланмаган.

Кўплаб хизматлар учун электрон рақамли имзо талаб қилиниши одамларга қийинчилик туғдирмоқда, айниқса, бу тадбиркорларнинг энг оғриқли нуқтаси бўлмоқда масалан, электрон рақамли имзодан компьютер орқалигина фойдаланиш мумкин. Тадбиркор рўйхатдан ўтиш учун солик идораси калити, божхона ҳужжатлари учун божхона калити ва ҳисоб рақами билан ишлаш учун банкнинг электрон рақамли имзосини олиши шарт. Бу калитларни олиш учун ҳар бир идорага алоҳида-алоҳида бориб, уни харид қилиши, тағин муайян муддатда яна маблаг сарфлаб янгилаши керак. Аҳолининг 75%и интернетга мобиль қурилмалар орқали кираётганини инобатга олиб, ягона имзо давлат хизматлари порталининг мобиль версиясини ишга тушириш масаласи долзарб масала сифатида кўтарилди. Ягона электрон рақамли имзони давтлаб Тошкент шаҳрида синаб кўриш ва кейинчалик бошқа ҳудудларда босқичма-босқич жорий этиш белгиланди.

Бундан ташқари Республикада ахборот технологияларидан кенг фойдаланишни рағбатлантириш орқали рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, ҳар бир соҳага инновацияларни жорий этиш ва мавжуд норматив-хуқуқий, маъмурий ҳамда барча бошқа мавжуд тўсиқларни бартараф этиш мақсадида Ҳаракатлар стратегияси доирасида бир қатор муҳим норматив-хуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сон “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги ПФ-5598-сон “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 авгуустдаги ПҚ-4433-сон “Ёшлиарни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг

ташаббусларини кўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон “Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 майдаги ПҚ-4321-сон “Рақамли иқтисодиёт ва «электрон ҳукумат» тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сон “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 сентябрдаги ПҚ-3927-сон “Рақамли ишонч” рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сон “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 июлдаги ВМҚ-589-сон “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги ВМҚ-48-сон “Ўзбекистон Республикасида “ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 январдаги ВМҚ-46-сон “Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот технологиялари университети таркибида ўзбек-беларусь қўшма ахборот технологиялари факультетини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

ХУЛОСА

Электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича килинаётган ишлар халқаро миқёсда эътироф қилинишини 2020 йил учун БМТнинг электрон ҳукуматларни тараққий эттириш даражаси бўйича янги шархида (UN E-Government Survey)

мамлакатимиз 193 давлат орасида 87-ўринни эгаллаганлигига ҳам кўрсак бўлади[6].

Электрон хукуматни ривожлантириш индекси (E-Government Development Index, EGDI) учта кичик индексдан шаклланади:

- телекоммуникация инфратузилма индекси;
- инсон капитали индекси;
- онлайн хизматлар индекси.

Шарҳнинг иккинчи асосий кўрсаткичига кўра, Электрон иштирок этиш индекси (E-Participation Index, EPI)да Ўзбекистон 59-ўриндан 46-ўринга кўтарилиб, ўз погонасини 13 та пунктга яхшилади.

0,80 индексига эга бўлган мамлакатимиз ЭРИ даражаси юқори давлатлар гурухига кирди.

Электрон хукуматнинг тўла фаолият юритиши барча соҳа вакиллари учун қулайликлар яратиш, вақтни ва ортиқча маблағни тезаш, иш унумдорлигини ошириш баробарида халқ фаровонлигини ва ммолакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтириб боради. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганлариdek, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшashi учун барча шароитларни яратиш – бош мақсадимиз бўлмоғи лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Олий Мажлис палаталари Қўшма мажлисида Президент мурожаатномаси. 2020 йил 24 январ. gazeta.uz
2. <https://uz.wikipedia.org/wiki/>
3. <https://uz.wikipedia.org/wiki/>
4. Ўзбекистон Республикаси “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонуни. Тошкент. 2015йил 9 декабр. <https://www.lex.uz/acts/2833860>
5. Doniyev S. I, Ibrohimov F. A, Joldasov I. S. Boshlang'ich ta'lif rivojlanish tendensiyalari (Finlandiya ta'lif tizimi misolida). *Pedagogika va psixologiyada innovatsiyalar*. (2-maxsus son). Toshket-2020. 392-bet.
6. <https://www.un.org/development/desa/publications/publication/2020-united-nations-e-government-survey>
7. Турсунов Р. Б. Таълимда ахборот коммуникацион технологияларни қўллаш тенденциялари. *Academic Research in Educational Science*, 1(1), 324-331.

REFERENCES

1. Олий Мажлис палаталари Қўшма мажлисида Президент мурожаатномаси. 2020 йил 24 январ. gazeta.uz
2. <https://uz.wikipedia.org/wiki/>

3. <https://uz.wikipedia.org/wiki>
4. Ўзбекистон Республикаси “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонуни. Тошкент. 2015йил 9 декабр. <https://www.lex.uz/acts/2833860>
5. Doniyev S. I., Ibrakhimov F.A., Joldasov I. S. Trends in the development of primary education (an example of the Finnish system of primary education). *Innovations in pedagogy psychology. Special issue 2.* Toshkent- 2020. 392-page.
6. <https://www.un.org/development/desa/publications/publication/2020-united-nations-e-government-survey>
7. Турсунов Р. Б. Таълимда ахборот коммуникацион технологияларни қўллаш тенденциялари. *Academic Research in Educational Science*, 1(1), 324-331.